



Аллох таолога Ўзига лойик хамду санолар бўлсин!
Расулимиз соллаллоху алайхи васалламга дурудуду салавотлар бўлсин!
Куръони Каримнинг бизларгача ҳеч бир ўзгаришсиз, бекаму-қўст етиб келишида беминнат хизмат килган саҳобаи киромлар, тобеинлар ва улардан кейинги барча Куръон устозларидан Аллох рози бўлсин!

Юртимизда узок йиллик тургунликдан сўнг аста-секин диний саводхонлик ошиб, кишиларимиз турли билимлардан хабардор бўлиб бормокдалар. Хусусан, Куръон илмлари борасида ҳам кўпчиликда турли даражадаги маълумотлар пайдо бўлди. Шу билан бирга, кироатлар ва уларнинг турлари хақида ҳам саволлар юзага кела бошлади. Баъзиларда бу борада ноаниқ тасаввурлар ҳосил бўлган бўлса, айрим кишиларда нотўғри тушунчалар ҳам кўзга ташлана бошлади. Шу боис, Аллох таолодан ёрдам сўраган ҳолда кироатлар ва уларнинг келиб чиқиши хақида азиз ўқувчиларимизга қисқача маълумот беришни ният килдик. Бу камтарона уриниш кироат илми хақида келгусида килинадиган ишларга кичик бир дебоча бўлса, ажаб эмас.

Тарихга бир назар

Тарихга назар солсак, Аллох таоло барча даврларда Ўз каломи Куръони Каримнинг муҳофазаси учун керак бўлган ҳамма шарт–шароитларни Ўзининг илохий тадбири билан тўлиқ таъминлаб келган. Роббимиз инсониятнинг бахт–саодати гарови бўлган бу мўъжиз каломни Ўз муҳофазасида сақлашни ваъда килган эди, асрлар оша турли омиллар воситасида мазкур ваъданинг юзага чиқишини таъминлаб келмоқда. Аввало Куръони Каримни Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга вахий фариштаси воситасида нозил килди ва уни Ўз Расули калбида жамлашни ва тилида кироат килдиришни Ўз зиммасига олди. Куръони Каримни бир соат ёки бир кунда эмас, йигирма уч йил давомида оятма–оят туширди. Аллох таоло айтади:

«Куфр келтирганлар: «Унга Куръон бир йўла нозил килинса эди», дедилар. Биз сенинг калбингни у билан саботли килиш учун шундай килдик ва уни тартил билан тиловат килдик» («Фуркон», 32).

Вахий фариштаси Жаброил алайхиссалом оятларни олиб тушиш билан бирга, уларнинг тартибини ҳам илохий топширик асосида ўргатиб кетар эди. Набий соллаллоху алайхи васаллам вахий нозил бўлиб битиши билан ёзишни биладиган саҳобаларни чакириб, уларга янги тушган оятларни ёздириб кўяр ва уларнинг қайси сурага, қайси оятдан кейин кўйилишини ҳам айтиб берар эдилар. Шундай қилиб, сура ва оятларнинг тартиби ҳам ёдлаб, ёзиб борилар эди. Барча саҳобалар уларни баҳоликудрат ўзлаштириб борар эдилар.

Бундан ташқари, ҳар йили Рамазон ойида Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам Жаброил алайхиссаломга ўзларига ўша пайтгача нозил килинган оятларни ўқиб берар эдилар. Вафот этадиган йиллари у зот Куръонни икки мартаба ўқиб берганлар. Бу навабий хатмга айрим бахтиёр саҳобалар гувоҳ ҳам бўлганлар. Ушбу хатм манбаларда «арзаи охир» – «охирги ўқиб бериш» деган ном билан машхур.

Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам доимо мусулмонларни Куръонни ўрганишга, уни ўргатишга тарғиб қилдилар, қизиқтирдилар ва амр қилдилар. Бу маънода келган ҳадислар жуда ҳам кўп. Масалан: «Сизларнинг энг яхшиларингиз □ Куръонни ўрганиб, уни ўргатганларингиздир», «Куръонга мохир киши улуг, муқаррам фаришталар билан биргадир. Куръон ўқиганда қийналадиган кишига иккита ажр бордир», «Куръонни ўрганишлар ва ўргатишлар, чунки у Қиёмат куни ўз эгасига шафоатчи бўлиб келади», «Қим Куръон ўқиса ва ундагиларга амал қилса, Қиёмат куни унинг ота-онасига тож қийғизилади. Унинг зиёси сизларнинг дунёингиздаги қуёшнинг зиёсидан яхшироқ, гўзалроқдир».

Ушбу таълим–тарбия, тарғибу буйруқлар натижасида аста–секин саҳобалар ичидан Куръони Қаримни ёдлашга, уни ўз ўрнига қўйиб тиловат қилишга лаёқатли бўлган, шунга бел боғлаган кишилар ажралиб чиқдилар. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам уларга бу борада алоҳида эътибор бериб, улар билан махсус шугулландилар. Ўз навбатида мазкур саҳобалар ҳам ҳар бир оятни, ҳар бир қалимани буюқ эҳтимом билан ўрганиб, ўзлаштириб борар эдилар. Уларнинг айримлари Куръони Қаримни барча жихатлари билан тўлиқ ёд олиб боришга ҳам улгурган эдилар. Бунга, жумладан, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб, Усмон, Алий, Абу Дардо розияллоху анҳумни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам вафот этганларидан кейин саҳобалар Куръони Қаримни ўзларидан кейинги авлод – тобеинларга Набий соллаллоху алайхи васалламдан ўзлари қандай ўрганган бўлсалар, худди шу тарзда, бекаму–қўст, сўзма–сўз ўргатдилар. Тобеинлар ичидан бу соҳага астойдил қиришиб бел боғлаганлари бир нечта саҳобадан Куръон ўқишни ўрганиб, ўзлаштирдилар. Натижада, улар қироат илми мутахассислари ўларок майдонга чиқдилар. Улар ўзлари ўрганган илмларни табаъа тобеинларга ўргатдилар. Куръони Қарим шу зайлда авлоддан авлодга ҳеч бир ўзгаришсиз етиб келмоқда.

Аллох таоло барча замонларда Куръони Қаримнинг муҳофазаси учун бандалари ичидан Ўзи истаган кишиларни танлаб олиб, уларнинг қалбига Куръон муҳаббатини, Куръон ишқини солиб, тилларини унга бурро қилиб қўйди ва дилларига Куръон ўқитиш шавқини бахш этди. Аллохга ҳамдлар бўлсинки, бундай буюқ инсонлар Ислом уммати ичида ҳеч қачон узилиб қолмади. Натижада, дунёда мисли қўрилмаган ажойиб бир занжир,

муборак бир силсила вужудга келди. Ушбу муборак силсиланинг хар бир халкаси ўзгача бир олам бўлди.

Куръон ва кироатлар

Аллох таоло инсониятни ер юзида Ўзига халифа ўларок яратгандан сўнг унинг тўғри ва саодатманд хаёт кечирishi учун Ўзининг диний таълимотларини юбориб тургани воқеий хақиқатдир. Ана ўша таълимотларнинг асоси одатда илохий китобларда акс этган.

Аллох таоло Ўз илохий хикмати ила Ўзининг сўнгги каломини араб тилида нозил қилишни ирода қилди ва уни фасохату балогат ва бошқа жихатларда инсон зотининг қурби етмайдиган даражада юксак ва олий этди. Арабларнинг каттаю кичиги, олимию шоири – барча барчаси унинг қаршисида тиз чўкканча таслим бўлишга мажбур бўлди. Унинг турли усулда ўқилиши эса алоҳида бир мўъжиза бўлди.

Куръони Қарим даставвал бир хил суратда нозил этилар ва кироат қилинар эди. Росулulloх соллalloху алайхи васаллам бошлиқ мусулмонлар Мадинага хижрат қилишгач, қўлаб араб қабилалари Исломга қира бошладилар. Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг одатлари, янги мусулмон бўлган қишиларга биринчи бўлиб Куръон ўргатар эдилар ва аввалроқ мусулмон бўлиб, Куръондан илм тахсил қилганларга «Биродарларингизга Куръон ўргатинглар», дердилар. Аммо янги мусулмон бўлганларнинг ичида қариси ҳам, ёши ҳам, эркаги ҳам, аёли ҳам, билимлиси ҳам, билимсизи ҳам, шахарлиги ҳам, бадавийси ҳам бор эди. Шу боис, уларнинг Куръон ўрганишларида маълум қийинчиликлар қўндаланг бўлиши табиий эди: йиллар давомида ўзлари ўрганган, табиатларига сингиб кетган лахжаларига зид равишда Куръон қалималарини талаффуз қилиш уларга машаққат пайдо қилди, агар ўзларига қўйиб берилса, Куръонни нотўғри шаклда ўзлаштиришлари эҳтимоли ҳам қўзга ташланди. Шу боис, Пайгамбаримиз соллalloху алайхи васаллам Аллох таолодан улар учун енгиллик беришини сўраб илтижо қилдилар. У зотнинг дуолари сабаб бўлиб, Аллох таолонинг азалий иродаси юзага чиқди: Куръони Қаримни бир неча харфда – суратда ўқишга ижозат бўлди.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллalloху алайхи васаллам:

«Жаброил менга бир харфда кироат қилдирди. Мен унга мурожаат қилиб, зиёда этишини сўрайвердим, у зиёда қилиб бораверди, ниҳоят, етти харфгача етди», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Имом Муслим, Абу Довуд ва Термизий Убай ибн Каъб розияллоху анхумодан ривоят қиладилар:

«Набий соллalloху алайхи васаллам Бану Фифорнинг ховузи олдида эдилар. У зотнинг ҳузурларига Жаброил алайҳиссалом келиб:

«Аллох сенга умматинг Куръонни бир харф–да ўқишини амр қилмоқда», деди.

«Аллохдан Унинг офияти ва мағфиратини сўрайман, менинг умматим бунга тоқат қила олмайди», дедилар у зот.

Сўнгра иккинчи марта келиб:

«Аллох умматинг Куръонни икки харфда ўқишини сенга амр килмоқда», деди.

«Аллохдан Унинг офияти ва магфиратини сўрайман, менинг умматим бунга токат кила олмайди», дедилар.

Кейин учинчи марта келиб:

«Аллох умматинг Куръонни уч харф–да ўқишини сенга амр килмоқда», деди.

«Аллохдан Унинг офияти ва магфиратини сўрайман, менинг умматим бунга токат кила олмайди», дедилар.

Кейин тўртинчи марта келиб:

«Аллох умматинг Куръонни етти харфда ўқишини сенга амр килмоқда. Ўшандан қайси харфда кироат килсалар ҳам тўғри килган бўладилар», деди».

Имом Термизийнинг ривоятида қуйидаги зиёда ҳам бор:

«Эй Жаброил! Мен бир саводсиз умматга юборилганман. Уларнинг ичида кампирлар, катта ёшдаги чоллар, ёш болалар, кичик кизчалар ва умуман ёзув ўқимаган одамлар бор», дедилар.

(Жаброил:) «Эй Мухаммад! Албатта, Куръон етти харфда нозил килингандир», деди».

Ушбу ва бошқа саҳих ҳадислар Куръони Каримнинг етти харфда нозил бўлганини билдиради. Бу борадаги хабарлар мутавотир даражасига етган. Бунга бутун Ислох уммати иттифок килган. Аммо ҳадисда етти харф деганда нима назарда тутилгани хақида уламолар турли фикрларни айтганлар. Айримлари бу ерда етти харфдан мурод ўша пайтдаги араб лаҳжалари деса, бошқалари уни кироатдаги хилофлар етти туркумга бўлиниши билан изоҳлаган. Учинчилари бу ерда маълум адад эмас, балки кўплик, яъни бир нечта деган маъно назарда тутилган, деб айтган. Бирок, буларнинг барчаси ижтиҳодий фикрлар бўлиб, бирортаси хақида на ҳадисларда ва на саҳобаларнинг сўзларида далил йўқ. Бунга сабаб шуки, етти харфдан мурод нима экани у пайтда нафакат саҳобаларга, балки бошқа арабларга ҳам маълум бўлган. Шу боис, саҳобалар ҳам бу ҳақда баҳслашиб, тортишиб юрмаганлар, Куръоннинг етти харфда нозил бўлганини эшитган гайридинлар ҳам бу ҳақда эътироз билдириб ўтирмаганлар. Нима бўлганда ҳам, харф деганда Куръонни ўқишдаги турлилик тушунилгани маълум ва машхур.

«Харф» сўзи асли лугатда нарсанинг олди тарафини, бир четини англатади. Шунингдек, унда бир тарафдан иккинчи тарафга бурилиш маъноси ҳам бор. Аммо бу сўз кироат истилоҳида бир калимани маълум бир шаклда ўқишни англатган ва хозирда ҳам айнан шу маънода ишлатилади.

Эътиборлиси шундаки, Куръони Каримнинг етти харфда нозил бўлаётгани ва бунга рухсат этилгани бошқа ҳукмлар каби оммавий эълон килинмаган. Бирок Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларга етти харфда таълим бериб бораверганлар. Бундан хабар топган саҳобалар аввалига бироз тараддудга, ихтилофга тушишган ва Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига тортишиб боришган. Шундагина у зот бу ҳақда уларга маълум килганлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхундан ривоят қилинади:

«Хишом ибн Хақим «Фурқон» сурасини мен ўқийдиган суратдан бошқача кироат қилаётган экан. Менга уни Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ўқитган эдилар.

Шошилиб, уни бир нарса қилиб қўйишимга сал қолди. Кейин (намоздан) чиккунича тегмай турдим. Сўнгра уни ёқасидан олиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг

хузурларига олиб бордим ва: «Эй Аллохнинг Расули, манавининг «Фур-кон» сурасини сиз менга ўқитганингиздан бошқача кироат килаётганини эшитиб колдим», дедим. «Уни кўйиб юбор. Ўки, эй Хишом», дедилар. У мен эшитгандек кироат килди. Шунда Расулуллох соллаллоху алайхи васал-лам: «Худди шундай нозил килинган», дедилар ва менга: «Ўки», дедилар. Мен ҳам ўқидим. У зот: «Худди шундай нозил килинган. Албатта, бу Куръон етти харфда нозил килингандир. Ундан ўзингизга осон бўлганида кироат килинглари», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Абу Довудлар ривоят килган.

Имом Муслим Убай бин Каъб розияллоху анхудан ривоят килади:

«Масжидда эдим. Бир одам кириб, намоз ўқий бошлади. У шундай бир кироат килдики, мен уни инкор килдим. Кейин бошқаси кириб, халигининг кироатидан ҳам бошқача кироат килди.

Икковлари намозларини тугатиб бўлганларидан кейин ҳаммамиз Набий соллаллоху алайхи васалламнинг хузурларига кирдик ва мен:

«Манави шундай бир кироат килдики, мен уни инкор килдим. Кейин буниси кириб, унисининг кироатидан ҳам бошқача кироат килди», дедим.

Шунда Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам икковларга амр килган эдилар, иккови ҳам ўқиб беришди. Набий соллаллоху алайхи васаллам иккисининг ўқишини ҳам маъ-кулладилар. Кўнглимга шундай бир ёлгонга чиқариш фикри тушдики, бунақаси жоҳилият пайтида ҳам бўлмаган.

Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ме-ни камраб олган нарсани билиб, кўксимга урдилар. Тер бўлиб оқиб кетдим. Кўркканимдан худди Аллох азза ва жаллани кўриб тургандай бўлдим.

Шунда у зот менга:

«Эй Убай! Менга «Куръонни бир харфда кироат кил», деб элчи юборилди. Мен уни У Зотга «Умматимга осон кил», деб кайтардим.

Менга иккинчи марта «Уни икки харфда кироат кил», деб кайтарди. Мен У Зотга «Умматимга осон кил», деб кайтардим.

Менга учинчи марта «Уни етти харфда кироат кил. Сени хар бир кайтарганимда сен учун бир нарсани Мендан сўраб олишингга имкон бор», деб кайтарди», дедилар».

Убай ибн Каъб розияллоху анху саҳобалар ичида энг пешқадам корилардан эди. У киши кўплаб саҳобалар катори Куръони Каримни бевосита Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан ўрганарди. Бир куни бир саҳобанинг бир сурани ўзлари ўргангандан бошқача кироат килаётганига гувоҳ бўлиб колди. Аввалига уни хато ўқияпти деб ўйлади. Аммо Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам унинг ҳам, шеригининг ҳам кироатини тасдиқлаганларида ҳеч нарсани тушунмай колди. Шайтон калбига васваса солиб, Набий соллаллоху алайхи васалламнинг пайгамбарликларига, Куръоннинг илохий китоб эканига шубҳа уйғотишга ҳаракат килди. Пайгамбар алайхиссалом буни дархол пайкадилар ва Убайнинг кўксига урдилар. У зотнинг баракотларидан Убайнинг калбидаги васваса бутунлай йўқ бўлиб, яқин – чин иймон тажаллий килди, унда худди Аллох таолони кўзи билан кўргандек хол пайдо бўлди, Куръони Каримга бўлган ишончи янада комил бўлди.

Ушбу ҳадислардан маълум бўладики, Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг ўзлари Куръони Карим оятларини саҳобаларга турлича, уларга кайсиниси осон бўлса, ўшанисини ўқитганлар. Аммо бу, Куръоннинг хар бир сўзи бир неча хил ўқилади, дегани

эмас. Балки бунда айрим сўзларни икки-уч хил ўқиш мумкинлиги назарда тутилади. Мисол учун, «Фотиха» сурасидаги «маалики» калимаси «малики» тарзида ҳам ўкилади. Шунингдек, айрим мад, идгом, иклоб каби коидаларда ҳам турлилик мавжуд бўлиб, баъзи мадлар бир неча микдорда чўзилиши, бир кироатда идгом ё иклоб бўлмайдиган харфлар бошқасида идгом ёки иклоб килиниши, бир кироатда «алиф» харфи «йа»га мойил килиб, бошқасида эса оддий ўкилиши мумкин.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, кироатдаги ушбу турлилик Куръоннинг маъносига халал бермайди, балки, унинг мазмуни ёритиб бериши, янада бойитиши мумкин. Мисол учун, «маалики» калимаси «эга» деган маънони англатса, «малики» шакли «подшоҳ» деган мазмунни билдиради. Тилшунос олимларнинг таъкидлашларича, «эга» бирор нарсага эгадорликни билдирса, «подшоҳлик» ўша ўзи эга бўлган нарсани тўла тасарруф этишни англатади. Бу икки маъно бир-бирини тўлдириши натижасида мазкур оятнинг мазмуни «У Зот Киёмат кунининг эгаси ва унинг тасарруфини килувчи подшоҳи» дегани бўлади. Бунга ўхшаш мисоллар жуда ҳам кўп.

Куръони Каримнинг мазкур кироат услублари Пайгамбар алайхиссаломнинг калбларига нозил бўлар, у зот оятларни ўзларига кандай нозил килинган бўлса, худди шу тарзда саҳобаларга етказар эдилар. Бу жараён Расул алайхиссаломнинг саҳобаларга оятларни ўқиб беришлари билан ҳам, уларнинг кироатларини эшитиб, маъқуллашлари билан ҳам амалга ошаверар эди.

Бу турлилик бир карашда араб лахжаларига монанд келса да, аслида уларнинг бирортасига ҳам тўла бўйсунмайди, ҳеч бир умумий коидага бош эгмайди, балки хаммасидан устун туради. Аммо уларнинг кайсинисидир кайсидир кабила кишилари учун бошқасидан осон бўлиши мумкин эди. Шу боис, Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам Куръонни кишиларга таълим беришда уларнинг ўзларига осон бўлган суратида ўргатар эдилар. Баъзан бир кабилага мансуб саҳобаларга икки хил кироат шакли ўргатилар эди. (Мисол учун, хазрат Умар билан Хишом ибн Хаким розияллоху анхумо иккиси ҳам Курайш кабиласидан, аммо уларга икки хил кироат таълим берилганини юкоридаги хадисда ўтди.) Баъзи саҳобалар бир нечта кироат турини, айримлари деярли барча турини ўзлаштириб борар эди.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, қадимги араб лахжаларида мавжуд бўлган бир канча кўринишлар кироатларда учрамайди. Агар яхши ўрганилса, уларнинг Куръони Каримга муносиб келмаслиги аён бўлади. Бу ҳам бўлса, кироатларнинг барчаси вахий асосида бўлганига далолат килувчи омиллардан бири хисобланади. Зеро, уларни камраб, саралаш башар тоқати етадиган, имкон топадиган иш эмаслиги кундек равшан.

Набий соллаллоху алайхи васаллам саҳобалар ичидан Куръон кироатига лаёқатлиларига алохида эътибор бериб, улар билан махсус шугулланардилар. Жумладан, Убай ибн Каъб, Абдуллох Ибн Масъуд, Зайд ибн Собит, Абу Мусо Ашъарий, Усмон ва Алий розияллоху анхум ана шундай саҳобалардан эдилар. Булардан ташқари яна бир канча саҳобалар Куръон кориси ўларок ном чиқарган эдилар.

Набий соллаллоху алайхи васаллам вафот этганларидан кейин саҳобаи киромлар ўзларига маълум бўлган, Расул алайхиссаломдан таълим олган сура ва оятларни ўзлари ўрганган суратда кейинги авлодга, яъни тобеинларга етказдилар. Уларнинг ичида Куръон кироатини ўрганишга бел боғлаган кишилар ажралиб чиқдилар. Улар бир эмас, бир нечта саҳобадан Куръон кироатларини ўзлаштирдилар ва ўрганганларини кишиларга сўзма-сўз, оятма-оят етказдилар. Хатто айрим саҳобалар Куръон кироатида уларнинг баъзиларига шогирд ҳам бўлди. Улар саҳобалар хаётлик давридаёқ Куръон

устозлари бўлиб эътироф этилдилар.

Мана шу аснода секин–аста кироат мадрасалари шакллана бошлади. Шу билан бирга, кироат мазхаблари ҳам юзага чикиб, айрим устозлар маълум бир усулда ўқиш ва ўқитиш билан танилдилар. Улар саҳобаи киромлардан олган таълимотларини тартибга солиб, услубларини бирлаштира бошладилар. Натижада, уларнинг ҳар бирида ўзига хос кироат услуби пайдо бўлди. Улар бунда кўпчилик саҳоба ва тобеинлардан килинган ривоятни бошқасидан устун кўяр, гоҳида бир саҳобадан ўрганганини асос қилиб олиб, бошқасидан ўрганган кироатидан баъзи оятларнинг ўқилишини кўшар эдилар. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳарфларни – калималарнинг маълум бир шаклда тиловат қилинишини саҳобалардан ўрганиб, жамлаб, ушбу илмда етук билимга эга бўлиб, ижтиҳод асосида уларни бир тартибга сола бошладилар. Уларнинг илму фазллари ва кироатлари барча мусулмонлар, хусусан уламолар томонидан эътироф этилиб, қишилар бу борада уларга иқтидо қилдилар. Натижада, ўша даврда Ислом оламида илм–маданият ўчоғи бўлиб турган шаҳарларда баъзи кироат илми мутахассислари, пешволари кўзга ташлана бошлади.

Тобеинлар ичида Куръон ўқиш ва ўқитиш бўйича ана шундай фаолият олиб борганларнинг энг машҳурлари Мадинада Ибн Мусайяб, Абу Жаъфар, Нофеъ, Сулаймон ибн Ясор, Ато ибн Ясор, Абдурроҳман ибн Хурмуз, Ибн Шихоб Зухрий, Зайд ибн Асламлар, Маккада Убайд ибн Умайр, Ато ибн Абу Рабоҳ, Товус, Мужоҳид, Куфада Алкама, Ал-Асвад ибн Язид, Масрук, Убайда, Амр ибн Шурхабийл, Хорис ибн Кайс, Амр ибн Маймун, Абу Абдурроҳман Суламий, Саид ибн Жубайр, Иброҳим Нахайй ва Шаъбий, Басрада Абу Олия, Наср ибн Осим, Яҳё ибн Яъмур, Хасан, Ибн Сийрин, Катода ва бошқалар эди.

Бу жараён табаъа тобеинлар даврида янада ривож топди ва маълум бир кироат услубини танлаб, шу бўйича машҳур бўлган олимлар етишиб чиқди. Ушбу икки табақада энг кўзга кўринганлари кироат имомлари ўларок саҳнага чиқдилар.

Куръон кироати тарихидаги ушбу жараённи биз фикхий мазхабларнинг шаклланишига ёки тарикатларнинг тасаввуфдаги тутган ўрнига ўхшатишимиз мумкин. Мисол учун, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан килинган ривоятларда у зот алайхиссаломнинг намозлари турлича васф қилинган, лекин ҳаммаси ҳам Набий соллаллоху алайхи васалламнинг айнан ўзларида кўрилган. Ана ўша маълумотлар ичидан ижтиҳод асосида қайсидир мужтахид бир тур намоз ўқишни кўрсатиб берган. Лекин бунда мужтахид намоздаги бирорта тасбехни ўзича такдим қилмаган, балки бор нарсани тартибга солиб, ўзлаштиришни осонлаштириб қўйган, холос. Ёинки, бир кеча–кундузда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам ўқиб юрган зикр ва дуоларни қайсидир тасаввуф илми олими чуқур ўрганиб, ижтиҳод асосида уларнинг ичидан маълумларини танлаб, тартибга солиб, кўпчиликка такдим қилган ва бу унинг тарикати ўларок ақс этган. Лекин у бирорта зикр ё дуони ўзича ихтиро қилмаган, балки ҳаммасини суннат асосида йўлга қўйган.

Кироат илм уламолари ҳам умматга Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан нақл қилинган Куръон ўқиш суратларини ўзлаштиришни осонлаштириш мақсадида етук илм ва улкан меҳнат билан уларни тартибга солиб, умматга ўргатганлар, холос. Бу борада ҳеч ким – на саҳобалар ва на тобеинлар ўзларида бирор калиманинг кироатини ихтиро қилмаганлар. Аммо фикхий мазхаблар уларга асос солган қишилар номи билан аталганидек, кироатларда ҳам ким қайси кироат билан кўп шугулланиб, ўргатиб танилган бўлса, ўша кироат унинг номи билан аталадиган бўлиб қолган. Мисол учун, Ибн

Масъуднинг кироати, Нофеънинг кироати деганда Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан накл килинган кироатлар ичидан улар кўпроқ ўқитган кироатлар назарда тутилган.

Иккинчи хижрий асрга келиб, кироат турлари кўпайиб, одамларда уларни ўзлаштириш машаккати пайдо бўлди. Шу билан бирга, саодат замонидан узоклашилган сари Набий соллаллоху алайхи васалламдан накл килинган кироатларга бошқаларнинг дахл килиши, кимдир чикиб, ўзича бирор кироатни тўқима равишда накл килса, уни ажратиш мушкул бўлиб қолиши эҳтимоли пайдо бўлди. Буни сезган уламолар кироатларни ровийлари билан хатга тушириб, қайдлай бошладилар. Улар бунда ўша даврда Ислom ўлкаларида энг машхур бўлган ва одамларга ушбу соҳада пешво бўлган кироат устозларининг кироатларини танладилар. Бу борада биринчи бўлиб китоб ёзган киши Абу Убайд ибн Саллом раҳматуллохи алайхи бўлади. У киши ўз китобида 25дан ортиқ кироат устозининг кироатини ривоят қилган. Аммо бу китоб бизгача етиб келмаган. Кейин Ахмад ибн Жубайр Антокий раҳматуллохи алайхи (ваф. 258 х.) ўз китобида бешта кироатни жамлади. Ундан кейин Ибн Жарир Табарий (ваф. 310 х.) кироатлар хақида бир китоб ёзиб, унда йигирмадан ортиқ кироат устозлари ва уларнинг кироатлари хақида сўз юритди. Шу тариқа, кироат илми билан шугулланган уламолар ўзлари ўрганган кироат турларини санадлари билан, кироатни уни ўқитишда шухрат қозонган устозга нисбат берган ҳолда қайд қила бошладилар. Натижада кироатларни оғзаки таълим билан бир қаторда, маълум китоблар асосида ўрганиладиган бўлди.

Етти ва ўн кироат тушунчаси

Учинчи хижрий асрга келиб, кишиларга Куръон кироатларини ўрганишни осонлаштириш учун мавжуд кироатлар ичидан маълумларини танлаш зарурати тугилди. Бу борада барчанинг тахсинига сазовор бўладиган ишни буюқ имом, Ибн Мужоҳид номи билан шухрат қозонган олим Абу Бакр Ахмад ибн Мусо ибн Аббос ибн Мужоҳид Тамимий (ваф. 324 х.) амалга оширди. У киши ўз даврида илмий марказ бўлиб турган йирик шаҳарлардан бир-иккитадан кироат устозларини, жами еттита корини танлаб, уларнинг кироатларини мутавотир санадлар асосида накл қилиб, ўзининг машхур «Ас-Сабъа» («Еттилик») китобида қайд этди. Мадина корилари ичидан Нофеъни, Маккадан ибн Касир, Басрадан Абу Амр ибн Ало, Шомдан ибн Омир, Кўфадан Осим, Хамза, Кисоийни танлади ва уларни китобда мана шу тартибда – шаҳарлар тартиби бўйича келтирди. Имом Мужоҳид кориларни танлашда уларнинг ичида илму таквоси, омонати билан танилган, кироатларни ва араб тилини пухта ўзлаштирган, мусулмонлар оммаси томонидан бу борада пешво деб тан олинган, ўз даврида ўша диёрларда кироатда биринчи рақамли устоз бўлган ва шу мақомда энг узок фаолият олиб борган кишиларни танлаган эди. Кориларнинг кироатини улардан таълим олган шогирдлари ривоят қилган. Одатда, уларнинг кироатини накл қилишда ўша ровийларга суянилади. Ибн Мужоҳид ҳар бир кори учун унинг кироатини ривоят қилганлар ичидан иккитадан ровийни танлади ва бунда ҳам кориларни танлашдаги шартига амал қилди. Шу билан бирга, у танлаган ровийларнинг ҳаммаси ҳам устозидан кейин унинг ўрнида Куръондан таълим берган,

унинг кироатини энг пухта ўзлаштирган шогирдлар эди. Асарнинг ушбу имтиёзлари унинг Ислом оламида тезлик билан кенг таркалишига, барча томонидан катта эътибор билан қабул қилинишига сабаб бўлди ва одамлар бошқа кироатлардан кўра ўша етти кироатга кўпроқ эътибор берадиган бўлдилар.

Ибн Мужоҳиднинг нима сабабдан айнан еттита корини танлагани хақида турлича фикрлар бор. Уламоларнинг айтишича, у киши ўзига маълум бўлган кироатлар ичидан ўзи кўйган шартларга жавоб берадиганларини танлаганда уларнинг сони еттита чиқиб қолган, бу ҳол тасодиф бўлган. Айрим кишиларнинг фикрига кўра, у бунда Усмон Мусхафлари еттита бўлган, деган фикрга таяниб, шунга киёс қилган бўлиши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, Ибн Мужоҳиднинг китоби давр талаби бўлиб тургани, китобдаги кироатларнинг машхурлиги, уларни жорий қилган кориларнинг мартабаси юксаклиги, китобнинг услуби қулайлиги ва бошқа шу каби омиллар омма орасида ушбу етти кироатнинг кенг таркалишига сабаб бўлди.

Аммо ушбу кироатлар ададининг айнан еттита бўлиши баъзи кишиларда «ҳадисда айтилган етти ҳарфдан мурод – етти кироатдир» деган нотўғри тушунчанинг келиб чиқишига олиб келди. Аслида эса уларнинг бир–бирига алоқаси йўқ эди. Шу боис, уламолар Ибн Мужоҳидни бироз айблаганлар ҳам ва корилар ададини олтига ёки саккизга қилганида, яхши бўлар эди, деб айтганлар.

Ушбу асрда кироатга доир яна бошқа асарлар ҳам яратилди. Жумладан, Тохир ибн Галбун «Ат–Тазкира» («Эслатма») китобида саккизта корининг кироатини жамлади. Аҳмад ибн Хусайн ибн Мехрон Асбахоний «Ал–Мабсут фи кироат ал–ъашр» («Ўн кироат хақида кенг маълумот») китобини ёзди. Маккий ибн Абу Толиб (ваф. 437 х.) «Ал–Кашфу ʻан вужухи ал–кироат ас–сабъ» («Етти кироатнинг юзини очиш») номли асарини битди. Нихоят, андалусиялик буюк олим Абу Амр Усмон ибн Саид ад–Доний (ваф. 444 х.) ўзининг машхур «Ат–Тайсир фи кироат ас–сабъ» («Етти кироат борасида осонлаштириш») китобини ёзди. Унда муаллиф Ибн Мужоҳиднинг китобига асосланган ва, қисқа қилиб айтганда, уни осонлаштирган эди. Бу китоб бутун Ислом оламида шухрат ва катта эътибор қозонди. Кироат илмини эгалламокчи бўлган кишилар уни ёд оладиган бўлди.

Орадан бир аср ўтиб Андалусиянинг Шотиба шаҳрида нодир кабилият ва ҳислатлар соҳиби бўлган Абу Мухаммад ал–Косим ибн Фиррух ал–Андалусий аш–Шотибий дунёга келди. У ёшлигида ёд олган Донийнинг «Ат–Тайсир» китоби асосида ўзининг дунёга машхур «Хирзул–таманий ва важхут–таханий фи кироат ас–сабъ ли–сабъ ал–масаний» («Сабул–масоний – Куръоннинг етти кироати борасида эминлик кўргони ва энг улуг қутлов») асарини ёзди ва Ибн Мужоҳид танлаган, имом Доний ўрганишни қулайлаштирган етти кироатнинг барча каттаю кичик қоидаларини шеърий услубда баён қилди. Асар ушбу соҳада беназир бўлиб, бетакрор усулда, ёдлашга қулай суратда тузилган. Бугунги кунгача унинг ўрнини боса оладиган бирорта китоб ёзилмади. Хозир ҳам ўша етти кироатни ўрганмокчи бўлган толиблар ушбу шеърий асарни ёд оладилар. Мазкур етти кироат борасида битилган нодир асарлар омманинг ўша кироатларга кўпроқ эътибор қаратиши, уларни ўрганишга интилиши натижасида бошқа кироатлар эътибордан четлашиб, унутулиб кетиши хавфи тугилди. Чунки улар хусусида етти кироатга бағишланган китоблардек қулай қўлланмалар йўқ эди. Уларнинг бири саккиз кироат хақида ёзилган китобда акс этган бўлса, бошқаси яна бир қайсидир асарда қайд қилинган эди. Бу эса уларни ўрганишни қийинлаштирарди. Мана шу пайтда кироат илмининг етук намояндаларидан бири, ушбу соҳада беназир олим имом Шамсуддин

Мухаммад ибн Мухаммад ал-Жазарий дунёга келди. У йигитлик давридаёқ ўз давридаги деярли барча кироатларни ўрганиб, ўзлаштирди. У бунинг учун Ислом мамлакатларини айланиб, улардаги кироат мадрасалари билан танишиб чикди ва кироатга доир элликка якин китоб бўйича устозлардан ижоза олди. У мазкур етти кироатдан ташкари уларнинг даражасидаги яна учта мутавотир кироатни аниқлаб, санадларини келтириб, уларни кироат мадрасаларида қайта сахнага олиб чиқишни ният қилди. Бунинг учун у биринчи бўлиб «Ал-Хидая фи татимматил-ъашара» («Ўн кироатни тўлдиришда хидоят қилиш») номли шеърий асар ёзди. Кейин шу асосда Дониининг «Ат-Тайсир» китобига ўша учта кироатни қўшиб, уни «Тахбиру ат-Тайсир фи ал-кироат ал-ъашар» («Ўнта кироат борасида «Тайсир»ни безаш») деб номлади. Имом Жазарий «Ат-Тайсир» асарини бир китобга қора сиёҳда қўчириб, хар бир оят ва калима бахсида мазкур учта кироат коидаларини кизил сиёҳда ёзиб чиккан. Кейинрок ушбу ўнта кироатни ўзининг «Ан-Нашр фи ал-кироат ал-ъашар» («Ўнта кироатни ёйиш») деган китобида насрда баён қилди ва унда ўша кироатларнинг Ибн Мужохид ва Донилар келтирмаган айрим ривоятларини ҳам қўшимча қилди. Имом Жазарий ушбу ўн кироат коидаларини шеърий услубда ҳам жамлаган ва уни «Тоййибату ан-Нашр» («Ан-Нашр китобининг хушбўйи») деб атаган. У киши яна ўша учта кироатни «Ад-Дурра ал-мудиа фи ал-кироат ас-салас ал-мутаммима лил-ъашро» («Ўн кироатни тугал қилувчи учта кироат борасида нурафшон дур») деган ном билан уларни ўзига хос шеърий услубда ҳам жамлаган. Бугунги кунда кироат илми толиблари етти кироат учун «Шотибия»ни ёд олгандек, ўн кироат учун «ад-Дурра»ни ёд оладилар. Имом Жазарий келтирган мазкур уч кироат Абу Жаъфар Маданий, Якуб Хазраий ва Халаф ибн Хишомларнинг кироатларидир.

Хозирда дунёда мана шу ўн кироат машхур бўлиб, мутахассислар томонидан ўрганиб, ўзлаштирилиб, толибларга таълим бериб келинмоқда. Уларнинг барчаси тавотур – ёлгонга келишиб бўлмайдиган даражада кўп ададдаги кишилар ривоят қилиши натижасида ҳосил бўлган силсила орқали накл қилинган. Бунга бутун Ислом уламолари иттифок қилганлар. Зеро, уламолар Куръон факат тавотур билан собит бўлади, оход – якка шахсларнинг ривояти билан собит бўлмайди, дейишган. Шу боис, Хасан Басрий, Ибн Мухайсиний каби тобеинлар накл қилган кироатлар оход ривоят бўлгани учун тиловат қилиш учун қабул қилинмаган.

Нима учун кироатлар ўнта?

Шу ўринда ҳақли бир савол тугилиши мумкин: нега факат ўнта кироат танланди, ундан кам ҳам, кўп ҳам эмас? Нима сабабдан аввал бор бўлган бир канча кироатлар кейинчалик нутилиб кетди?

Юкоридаги фикрлардан ҳам маълумки, мазкур ўн корининг кироатлари тарқалишига уларнинг илму таквода, хифз ва билимда, коидаларни ижро ва татбиқ этишда, ушбу соҳани ўрганиб, ўзлаштириб, унга махсус батамом ажраб чиқиб, кейин мусулмонларга Куръон таълим беришда бошқалардан пешқадам бўлганлари ва жамиятдаги тутган илмий мавқеълари сабаб бўлган. Колверса, кироат илмида мутахассис бўлиб, китоб

таълиф килган уламоларнинг ушбу ўн корининг мазкур фазилатларидан келиб чикиб, уларнинг кироатларини ўз китобларига кайд килиб, таркатиши ҳам бу маънода муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу билан бирга, бу кироатларни мазкур ўн имомдан бошқалар ҳам ривоят килган. Бошқа кироатларнинг қабул қилинмаслигига эса аввало уларнинг ривояти мутавотир даражасига етмагани сабаб бўлган. Колверса, мазкур ўн кироатда Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан накл қилинган деярли барча кироат суратлари ўз ифодасини топган. Бошқа кироатларда уларнинг такрорлари бор эди, холос. Аммо бу ўн кироатдан бирортасини тарк этиш Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга нозил қилинган етти харфнинг маълум бир қисми йўқолишига сабаб бўлиши эътиборидан уламолар томонидан бунга йўл қўйилмаган. Бу борада имом Жазарийнинг тутган ўринлари ниҳоятда катта бўлган.

Кироатлар тарихида кечган ушбу ҳолатни худди фикхий мазҳабларнинг шаклланиши ва сараланиши жараёнига қиёслаш мумкин. Нима учун айнан тўрт фикхий мазҳаб сакланиб қолди, учта ҳам, бешта ҳам эмас? Чунки ушбу тўрт мазҳабда Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан накл қилинган фикхий масалалар, шариатнинг фикхий қисми тўлиқ ўз ифодасини топган. Улардан бирортасини олиб ташлаш ҳам, уларга бирор мазҳаб қўшимча қилиш ҳам динга зарар бўлади. Шу боис, уламолар ушбу тўрт мазҳабни эътироф этиб, уларнинг давомий саклаб қолишга интиланлар.

Шундай қилиб, Аллох таолонинг сўнги китоби ўзининг мўъжиз эканини яна бир бор кўрсатди. Саҳобалардан тортиб бугунги кунгача уламолар Куръоннинг хар бир қалимасини қайси суратларда ўқиш мумкинлигини харма-харф накл қилиб, саклаб қелдилар.

Бугунги кунда ҳам дунёнинг исталган чеккасида ушбу ўн кироатни ўрганиб, ёдлаб, таълим бераётган мутахассислар кўплаб топилади.

Ҳозир ҳам бирор кироат яратиш мумкинми?

Аввало шуни яхши англаш керакки, кироат имомлари аслида маълум бир устознинг кироатига таянганлар, фақат айрим ўринлардагина, санокли қалималардагина бошқа саҳоба ва тобеинларнинг нақллари ижтиҳод асосида қабул қилганлар. Колаверса, улар саҳоба ва тобеинларнинг бевосита ўзларидан таълим олган эдилар. Уларнинг илм ва фазллари, кироатларига саҳобаи киромлар ва тобеинлар гувоҳ бўлиб, эътироф этишган. Бу зотлар билан Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам ўртасида асосан бир ёки иккита восита бўлган, холос. Уларнинг кироатларида Набий соллаллоху алайхи васалламнинг таълимлари акс этиб бўлган. Энди бошқа янгилик қилиш мумкин эмас, бунинг имкони ҳам йўқ. Чунки ўша даврдаги кироатларнинг шаклланишига асос бўлган билим, вазият ва шароитнинг ўзи йўқ. Бу борада энди қилинадиган уриниш фақат адашув ва фитна бўлади, холос. Шу боис, Ислом уммати асрлар оша ўша имомларга эргашишга иттифоқ қилиб қелган. Унга хилоф чиқиш бидъат бўлади. Буни ҳам худди янги фикхий мазҳабга эҳтиёж қолмаганига қиёс қилиш мумкин.

Кироат, ривоят, тарика ва харф

Хар бир илмда бўлгани каби, кироат илмида ҳам бир канча истилохий сўзлар – терминлар (атамалар) мавжуд. Уларни яхши фаркламай туриб, бу борада бирор нарсани яхши англаш кийин. Уларнинг асосийлари «харф», «кироат», «ривоят», «тарика» истилохларидир.

Кироат илми истилохида «харф» деб бир калиманинг маълум бир шаклда ўкилишини айтилади. Мисол учун, Хамза Ибн Абу Лайлодан айрим харфларни олган, дейилса, баъзи калималарни маълум бир шаклда ўқишни ўргангани тушунилади. Шунингдек, харф сўзи умумий бир услубда ўқишга ҳам ишлатилади. Масалан, Алкама Ибн Масъуднинг харфида ўқирди, дейилса, Ибн Масъуднинг кироатида ўқирди, деб тушунилади.

«Кироат» сўзи аслида «ўкимок» деган маънони англатади. Кироат илми истилохида эса, «кироат» деганда Куръон ўқиш илми имомларидан бирининг Куръон ўқишда накл ва ривоятга асосланган холда бошқа имомлардан бошқача йўл тутиши, кироат килиши тушунилади. Бунда турлилик бир нутк товуши ўрнига бошқасини айтишда бўладими, ёки нутк товушларини талаффуз килишда турлича нутк килишда бўладими, барибир. Бошқача килиб айтганда, бирор кироат имоми томонидан йўлга қўйилган маълум харфларнинг тартибли равишдаги жамланмаси «кироат» бўлади.

Банно рахматуллохи алайхи: «Кироат – Куръон калималарини адо этиш ва накл килувчига нисбат берган холда улардаги турлиликларни билиш суратидир. У суннат ва ижмоъга асосланган бўлади», деган.

Закариё Ансорий дейди: «Кироат – бу Куръоннинг хар бир бўгинини устозлар ўргатгани каби ўқишдир».

Ушбу таърифлардан маълум бўладиги, кироат Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан ишончли кишилардан иборат муттасил, яъни – узлуксиз санад билан накл килинган бўлиши шарт, бўлмаса кироат хисобланмайди. Мазкур ўн кироатнинг барчасида бу шарт мавжуд.

«Ривоят» аслида «сув билан кондириш» маъносидан келиб чиққан. У лугатда бирор хабарни кўриб ё эшитиб, накл килишни англатади. Кироат илмида эса, «ривоят» атамаси бирор кироат имомининг кироати шогирдлари томонидан накл килинишига ишлатилади. Кироат имомлари кироатда айрим ўринларни икки–уч хил ўқиган ва одатда унинг бирини бир шогирдига, иккинчисини бошқасига ўргатган. Унинг кироатидаги бу турлилик шогирдларининг наклида акс этган. Шу боис, бир кироатнинг ривоятлари орасида бироз фарк мавжуд. Хуллас, имомнинг кироатини ўрганиб, бошқаларга ўргатиш «ривоят» бўлади ва бу ишни амалга оширган шогирд «ровий» деб юритилади.

«Тарика» лугатда «йўл», «тутум» маъноларини билдиради. Истилохта эса, кироат ровийларидан бирор кироат имомининг кироати бошқалардан фаркли накл килинишига айтилади. Кироатдаги ровийдан куйида бўлган хар кандай ўзига хос йўналиш «тарика» дейилаверади.

Мисол: Имом Осим Куръони Каримни тобеинлардан ўзи ўрганган шаклда кироат килган бўлиб, унинг ушбу ўзига хос ўқиши «кироат» дейилади. Унинг кироатини Хафс ва Шуъба деган шогирдлари ривоят килган. Аммо Осим айрим калималарни икк-и–уч хил ўқитган. Уларнинг бир турини Хафс, иккинчисини Шуъба ривоят килган. Хафс ривоят килгани «Хафснинг Осимдан килган ривояти» деб, Шуъба накл килгани «Шуъбанинг Осимдан

килган ривояти» деб юритилади.

Ушбу ровийлар ҳам имомдан ўрганган кироат турларини маълум тартибга солиб шогирдларига таълим берган ва бошқа имомлардан ҳам айрим харфларни накл килган. Натижада уларнинг кироатларида ҳам айрим калималарнинг ўкилишида турлилик юзага келган. Бу харфларнинг бирини бир шогирди накл килган бўлса, иккинчисини бошқаси накл килган ва бу ҳолат «тарика» деб юритилган. Мисол учун, Амр ибн Сабох ва Фазл ибн Яхёлар Хафсдан Куръон ўрганар экан, унинг айрим харфларини Амр, айримларини Фазл накл килган. Амр накл килгани «Амрнинг тарикаси» деб, Фазл ривоят килгани «Фазлнинг тарикаси» деб айтилган.

Худди шунингдек, ровийнинг шогирдлари ҳам ўзлари ўрганган кироатдаги турли харфларни шогирдларига таълим берган ва улардан ҳам бу турлиликни шогирдлари накл килган. Аммо унинг бир қисмини бир шогирд накл килган бўлса, бошқа қисмини иккинчи бир шогирд накл килган. Тарикалар шу заминда вужудга келган. Ровийнинг ва ундан кейинги барча табакалар кироатидаги турлилик истилоҳда «тарика» деб юритилган. Шунга кўра, имом Шотибий ўз санади орқали Хафснинг кироатини ривоят килган бўлса, имом Жазарий бошқа бир санад орқали Хафснинг яна бир кироат йўналишини накл килган. Уларнинг орасида йигирматача фарқ бор, ҳолос. Ушбу фарқ сабабидан олдингисини «Шотибий тарикаси», кейингисини «Жазарий тарикаси» деб юритилади.

Асосий фарқ кироатларда бўлади. Ривоятларда фарқлар анча кам бўлади, тарикаларда эса факатгина санокли тафовут учрайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур кироат, ривоят ва тарикаларнинг барчаси илмий асосда саҳобалардан накл қилинган. Бунда ҳеч қим бирор харфни ўзича ўқиши мумкин бўлмаган, факат накл асосида иш қўрилган. Шу билан бирга, уларни мазкур қори, ровий ва тарика эгаларидан бошқа ўнлаб, юзлаб кишилар ҳам накл килган. Мазкур кишилар ўша кироат, ривоят ва тарикаларда Куръон ўқишда бошқалардан машҳур бўлиб қетгани, шу билан ном чиқарганлари учун уларга нисбат берилган, ҳолос.

Йигирманчи асрнинг кўзга кўринган кироат уламоларидан Мисрлик Абдулфаттох Козий раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейди: «Кироатнинг муайян бир шахсга нисбат берилиши ўша киши шундан бошқа кироатни билмайди ёки бу кироатни ундан бошқалар билмайди дегани эмас. Аксинча, бир кироатнинг бир кишига нисбат берилиши мазкур кироатга унинг моҳир ва билимдон бўлганини, ўша кироатни кўп ўқиб, ўқитганини билдиради, ҳолос. Бу эса, албатта, унинг бундан бошқа кироатларни билишини, бу кироатни ундан бошқалар ҳам ривоят қилишини тўсмайди».

Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам одатда мазкур ўн кироатнинг қайси бирида ўқиганлар?

Кироатлар ҳақида сўз қетганда кўпинча «Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг ўзлари мазкур ўн кироатнинг қайси бирида ўқиганлар?» деган савол ўртага ташланади. Ушбу саволда бироз хато бор. Чунки мазкур ўн кироатнинг барчасини шахсан Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг ўзлари ўқитганлар. Шу боис, «Расулulloх соллalloху

алайхи васалламнинг одатдаги кироатлари ёки Куръон етти харфда нозил килинишидан олдинги кироатлари мазкур ўн кироатнинг қайси бирига тушади?» дейилса, тўғрирок бўлади.

Бу борада тадқиқот олиб борган уламоларнинг айтишларича, Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг кироатларга рухсат берилишидан олдинги кироатлари курайш лахжасига мос бўлган. Бу лахжада имола (алифни «йа»га мойил килиш) бўлмаган. Шу билан бирга, уларда ҳамза товуши талаффуз этилмаган. Шунга кўра, Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг одатий кироатлари Осим ва Нофеъ кироатларида акс этган, дейиш мумкин. Хақиқатини яна Аллох Ўзи билади.

Кироатларнинг қай бири афзалрок?

Айрим кишилар кироатларнинг қайсиниси устунрок, тўғрирок, деган мулоҳазага бориши ҳам мумкин. Баъзилар эса ўзи танлаган кироатни бошқаларидан устун кўйишга интилади ҳам. Аслини олганда эса, бу иш ҳеч қайси меъёрга тўғри келмайди. Чунки кироатларнинг барчаси Аллох таолонинг каломи ҳисобланиши, У Зотнинг ҳузуридан нозил этилгани барчага маълум. Бинобарин, кироатларнинг бирини иккинчисидан устун кўйиш умуман мумкин эмас.

Имом Ахмад ва Насойилар Абу Бакра розияллоху анхудан ривоят қилади: Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам дедилар: «...Жаброил: «Уни етти харфда ўқигин, барчаси шифо ва кифоя бўлувчидир», деди».

Имом Насой Убай ибн Каъбдан ривоят қилган ҳадисда эса Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам: «Эй Убай, албатта Куръон менга етти харфда нозил килинди, ҳар бири шифо ва кифоядир», деганлар.

Аммо «Уларнинг қайси бири мутавотир ва машҳурликда юқорирок?» дейилса, уламоларнинг таъкидлашича, имом Нофеънинг кироати бу борада энг юқори даражадаги кироат ҳисобланади. Бугунги кунда дунё бўйлаб имом Осим кироатининг кенг тарқалиши алоҳида масала бўлиб, бунга ташки омиллар ҳам сабаб бўлган.

Кироат асослари

Уламолар, кироат илми мутахассислари бирор кироатни ҳақиқий деб қабул қилиш учун маълум шартлар топилиши керак, деб иттифок қилишган. Ушбу шартлар асосан учтадир:

1. Кироатнинг санади саҳиҳ бўлиб, Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга муттасил равишда етиб борган бўлиши. Чунки Куръон факат ваҳий асосида собит бўлгани каби, унинг кироати ҳам ваҳий асосида собит бўлган. Бирор киши бу борада ўзича иш кўриши мумкин эмас. Бу имтиёз факат Куръонга хос, бошқа ҳеч бир китобда, хатто ҳадисларда ҳам бу ҳолат йўқ.

2. Араб тили асосларига мос келиши, (кайсидир бир кўринишига бўлса ҳам). Чунки Куръон соф араб тилида нозил килинган ва бу ҳақиқат Куръони Каримнинг бир неча оятларида таъкидланган. Аммо бу шартга мутлак асос ўрнида эмас, қувватловчи омил сифатида қаралади. Зеро, кироатларда асосан нақл таянилган. Зотан, Зайд ибн Собит розияллоху анху таъкидлаганидек, «Кироат – эргашиладиган суннатдир».

Колаверса, Куръон араб тилига эмас, араб тили Куръонга киёсланади. Имом Жазарий бунга араб тилида одатда учрамайдиган бир қанча ҳарфларни мисол қилиб келтирган.

3. Усмон мусхафи хатига мувофик келиши. Чунки у Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан нақл килинган кироатларни кўтариш хусусиятига эга.

Куръонни нақл қилишда асосий шарт тавотур шартидир. Агар у топилса, кейинги шартларга қарашга ҳожат йўқ. Чунки улар кироатлардаги айрим калималарнинг ўқилишини нақл қилишда тавотур даражаси топилмаган тақдирда ёрдамчи, қувватловчи бўлиб хизмат қилади ва уларни машхурлик даражасидан тавотур даражасига кўтарилишига хизмат қилади.

Ушбу шартларга жавоб берган барча кироатлар саҳих, макбул ҳисобланади ва уларни инкор этиш жоиз эмас. Аммо шартлардан бирортаси топилмаса, у кироат заиф, шозз ёки тўқима бўлади. У ўн кироат имомларидан нақл килинган бўладими, ёки бошқасиданми, фарқи йўқ. Ушбу кироатларнинг тафсилоти кироат турларида ўз ифодасини топади. Шу боис, уламолар нақл килинган кироатларни бир неча турга ажратганлар.

Кироат турлари

Кироатлар илмий тадқиқотлар асосида беш турга бўлинади:

1. Мутавотир кироатлар. Мазкур шартларнинг барчаси топилган ва тавотур – ёлгонга келишиб бўлмайдиган даражадаги кўпчиликдан шунча ёки ундан кўп ададдаги кишилар ривоят қилиши натижасида ҳосил бўлган силсила орқали нақл килинган кироатлар. Бу ўн кироат имомларидан нақл килинган бўладими, улардан бошқа имомлардан нақл килинган бўладими, фарқи йўқ. Мазкур ўн кироатнинг барчаси мана шу тарзда ривоят килинган. Чунки уларнинг ҳар бирини сон–саноксиз қорилар қатта бир жамоа устозлардан, бутун бир шаҳар аҳолиси авлоддан авлодга нақл қилган.

Уламолар «Мутавотир кироатларни қабул қилиш шарт, улардан бирортасини рад этиш мумкин эмас, қуфр ҳисобланади», деганлар.

2. Саҳих кироатлар. Кироатларнинг бу туркумида ҳам юқорида айтилган кироат шартлари топилади. Бирок уларнинг нақлдаги даражаси мутавотир мартабасига етмайди. Бу тур кироатлар икки қисмга бўлинади:

а) Машхур кироатлар. Санади саҳих, ровийлари ишончли, мўътабар кишилар бўлган, араб тили асосларига ва мусхафга мувофик келган, кироат уламолари ўртасида машхур бўлган, аммо санаддаги табақаларда тавотур ҳосил қиладиган даражада кўпчилик топилмаган кироатлар. Мазкур ўн кироатнинг айрим тариқалари, ҳарфлари мана шу даражада нақл килинган.

Машхур ҳарфлар – кироат аҳкомлари ҳам мутавотирлар каби қабул қилинади ва ёрдамчи шартлар асосида мутавотир даражасига кўтарилади.

б) Оход кироатлар. Санади саҳих, аммо якка шахслардан иборат бўлган кироатлар. Уларнинг машхурлардан фарқи кироат мутахассислари ўртасида улар каби кенг тарқалган бўлмаслигидир. Бу тур кироатларни қабул қилиш шарт эмас. Улар шозз кироатлар ҳукмида бўлади. Уларни тиловат маъносида, намозда ўқиш ҳам жоиз эмас, чунки Куръон факат тавотур билан собит бўлади. Аммо улардан оход хабар ўрнида ҳукм олишда, тафсирда фойдаланилади.

3. Шозз (нодир, ажраб қолган) кироатлар. Улар кироатни қабул қилишдаги мазкур учта шартдан бир ё иккитаси топилмаган кироатлардир. Яъни уларда ё санад саҳих бўлмайди, ё араб тили асосларига зид бўлади, ёки мусхаф расмига тўғри келмайди, ёхуд булардан иккитаси уларда мавжуд бўлади. Аммо учала шарт ҳам топилмайдиган бўлса, у умуман асли йўқ кироат ҳисобланади. Уларнинг шозз деб аталишига сабаб шуки, уларни нақл қилган қори бошқа кироат устозларидан айри ҳолда ривоят қилган бўлади ёки мусхаф расмидан тўғри келмайди, ундан ажраган бўлади. Шозз кироатлар мутавотирларнинг зидди ҳисобланади.

Шозз кироатлар уч қисм бўлади:

а) Санади саҳих, араб тили асосларига мувофиқ келади, аммо мусхаф расмига тўғри келмайди. Масалан, Ибн Мухайсиннинг «□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□» оятида .каби ўқиши тушириб иборасини «□□□□□□ □□□□»

Бу тур кироат гарчи мусхаф расмига тўғри келса ҳам қабул этилмайди, кироат қилинмайди, намозда ўқилмайди.

б) Санади саҳих, мусхаф расмига тўғри келади, аммо араб тили асосларига мувофиқ келмайди. Бунга имом Нофеънинг баъзи ровийлар нақл қилган «□□□□□□□□» калимасини у ва нодир ҳам жуда кироат тур Бу бўлади мисол ўқиши билан ҳамза деб «□□□□□□□□» ҳам қабул қабул этилмайди, кироат қилинмайди, намозда ўқилмайди.

в) Ишончсиз кишилар нақл қилган кироатлар. У араб тили асосларига ёки мусхаф расмига тўғри келадими, келмайдими, фарқи йўқ.

Бу қисм кироат мусхафга тўғри келса ҳам қабул қабул этилмайди, кироат қилинмайди, намозда ўқилмайди.

Шозз кироатнинг ҳар учала тури ҳам Куръон ҳисобланмайди, уларни Куръон деб эътиқод қилиш ҳам жоиз эмас, чунки уларда мақбул кироат шартлари топилмайди, улар тавотур йўли билан нақл қилинмаган. Шу боис, уларни инкор қилган киши кофир бўлмайди. Аммо кўпчилик уламолар шозз кироатларнинг биринчи ва иккинчи тури санади саҳих бўлгани учун тафсир қилишда далил бўлиши мумкин, деганлар.

Шозз кироатларнинг машхурлари тўртта:

- А) Хасан Басрий кироати;
- Б) Ибн Мухайсин кироати;
- В) Яхё ал-Язидий кироати;
- Г) Шанбузий кироати.

Одатда, ўнта мутавотир кироатга муқобил ёки қўшимча равишда зикр қилинганда мана шу тўрт кироат назарда тутилади.

4. Мавзуъ – (тўқима) кироатлар. Расулulloх соллalloху алайхи васалламга ёлгондан нисбат берилган кироатлар. Масалан, Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳига ёлгон нисбат берилган баъзи оятлар кироати каби. Айрим мўътазила ва шиалалар ўзларининг ақидавий мазҳабларини қувватлаш мақсадида айрим калималарнинг кироатини бузишга ҳам ҳаркат қилишган.

5. Мудраж (қиритма) кироатлар. Бу баъзи саҳоба ёки тобеинларнинг томонидан айрим

калима ёки ибораларни изохлаш учун қўллаган сўзларидир. Бу киритмаларнинг кўпи ўша саҳоба ва тобеинларнинг шахсий мусхафларида ҳам акс этган. Мисол учун, «□□□□□□ □□□□ Ваккос Абу ибн Саъд оятида («...бўлса дугонаси ёки иниси унинг ва...») «□□□□□□ □□□□ розияллоху анхудан накл килинган «□□□□ □□□□□□» («мин уммин» «она томонидан») сўзлари бунга мисол бўлади. Бундай кўшимчалар Ибн Масъуд розияллоху анхудан ҳам кўплаб накл килинган. Буларнинг кироат деб аталишига сабаб шуки, уларни мазкур саҳоба ва тобеинлар кироат ўртасида ҳам келтирган, ўз мусхафларига ёзиб қўйган ва айрим кишилар уларни Куръондан деб ўйлаган.

Мудраж кироатлар агар санади саҳих бўлса, араб тили асосларига мос келса, тафсир ўрнида қабул қилинади, балки энг мўътабар тафсирлардан саналади.

Ушбу икки тур кироатни ҳам Куръон деб эътикод қилиш жоиз эмас, чунки бу Куръон бўлмаган нарсани Куръон дейиш бўлади ва қуфр ҳисобланади.

Мутавотир кироатларнинг ҳукми

Жумхур уламоларнинг фикрига кўра, мазкур ўн мутавотир кироатда Куръони Каримнинг етти ҳарфи ўз аксини топган. Уларни саклаш Куръонни муҳофаза этиш ҳисобланади. Уларнинг бирортасини инкор қилиш, бирини иккинчисидан устун қўйиш мумкин эмас, барчаси Куръон. Уларни ўрганиб, ўргатиб бориш жамият устидаги фарзи кифоя ҳисобланади. Куръон хизматига масъул кишиларга уларни ўрганиб, кишиларга таълим бериб бориш фарзи айнди. Хар бир жамиятда етарли даражада ушбу ўн кироатни Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга етиб бордиган санад воситасида ўрганган ва ўргатадиган кишилар бўлиши лозим. Бунга мусулмон жамиятининг хар бир аъзоси қайсидир даражада масъулдир.

Мутавотир кироатларни бир-бирига аралаштириб ўқиш мумкинми?

Кори кироатларни бир ўтиришда, бир ўқишда бир нечтасини аралаштириб ўқиши мумкинми? Ушбу савол қадимдан уламолар ўртасида катта баҳсларга сабаб бўлиб келган. Биз уларнинг ҳулосаларини айтиш билан қифояланамиз.

Кироатларни аралаштириб ўқишни «кироатларни жамлаш» деб юритилади. Кироатларни жамлаш икки ҳолатда бўлади: таълим пайтида ва тиловат вақтида.

Кироатларни жамлаш даставвал бўлмаган бўлса-да, узок замонлардан бери кироат соҳасида қўлланиб келади. Доктор Фатхий Убайдий имом Жазарийнинг тадқиқотларига асосланган ҳолда айтишича, кироатларни таълим ва тиловат пайтида жамлашнинг хар иккиси ҳам тўртинчи-бешинчи ҳижрий асрларда илк бор йўлга қўйилган.

Кироатларни таълим ўрнида жамлаш жоизлигига барча уламолар иттифок қилишган. Бунга кишилар ҳаётининг мураккаблашиши, илмлар доирасининг кенгайиши, толиби

илмларда олдингилардаги химмат ва гайрат топилмаслиги каби омиллар сабаб бўлган. Чунки хар бир кироатни алохидадан, битта–битта хатм килиб ўрганиш учун йиллар давомида кироат билан машгул бўлиш керак. Бунга эса аксар инсонларнинг курби, имконияти етмайди. Шу боис, уламолар кироатларни жамлашга рухсат берганлар. Агар шундай килинмаса, кироатлар унутилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас эди. Мутавотир кироатларни саклаш эса Ислом умматига фарздир. Зеро, кироатларни саклаш Куръонни мухофаза килишнинг айна ўзи. Бу эса уммат зиммасидаги фарзи кифоядир.

Аммо кироатларни тиловат учун жамлашга келсак, буни айрим уламолар макрух санашган. Бирок, кўпчилик олимлар, кироат устозлари, жумладан, имом Жазарий ҳам жоиз деб билганлар ва уни ман килишга ҳеч қандай шаръий асос йўқ, чунки уларнинг ҳаммаси ҳам Куръон, факат маълум шартларга амал қилса бўлди, деб айтганлар.

Кироат илми уламолари кироатларни жамлашнинг бир қанча шарт ва одобларни ҳам ишлаб чиққанлар ҳамда ушбу мавзуга бағишлаб алохида китоблар ҳам ёзганлар. Улардан хулоса килиб айтганда, кироатларни таълим ёки тиловат ўрнида жамлашнинг асосий тўртта шarti бор:

1. Вакф □ тўхташ қоидаларига риоя қилиш. Чунки бу бевосита оятнинг маъносига дахл қилади;
2. Ибтидо □ бошлаш қоидаларига риоя қилиш. Бу ҳам вакф каби аҳамиятга эга.
3. Кироатларни бир–бирига қириштириб юбормаслик. Яъни бир ўқишда бир кироатдан битта қоида, иккинчисидан бошқа бир қоида олиб, аралаштириб ўқиш мумкин эмас. Шу боис, бир нафасда бир кироатда ўқиш лозим.
4. Кироатни гўзал адо эта билиш. Яъни тажвид қоидаларига қатъий амал қилиш, қоидаларни қалқаштирмаслик. Энг муҳими, кироатларни жамлаши тиловатнинг раванқини, гўзаллигини оширишга хизмат қилиши, унинг шуқухига футур етказмаслиги шарт. Ўйин, енгилтақлик, ўзини кўрсатиш каби салбий ҳолатлар аралашаслиги лозим. Кироатларни мазкур шартлар асосида жамлаш учун қорида қуйидаги сифатлар топилиши лозим:

Биринчи: Ахлокий шартлар. Кироатларни жамламоқчи бўлган қори мусулмон, оқил, ишонқли, мўътабар, омонатдор, қаттаю қичик гуноҳлардан ўзини саклаган тақводор, одамқарчилиққа футур етказадиган ишлардан ҳоли инсон бўлиши керак. Акс ҳолда, у Куръонга зарар етказиши мумкин.

Иккинчи: Илмий шартлар. Кироатларни бир ўқишда жамламоқчи бўлган қишида бунинг учун етарли илм ва малақа бўлиши лозим. Бўлмаса, у юқорида айтилган шартларга амал қила олмайди, Куръонга зарар етказди. Мазкур илмий шартлар қуйидагилар:

1. Куръони Қаримни пухта ёд олган бўлиши. Қамида ўзи ўқимокчи бўлиб турган қисмни пишиқ ёд билиши лозим.
2. Кироат илмининг усул □ умумий ва фарш □ маълум қалималардаги қоидаларини тўла ўзлаштирган бўлиши. Чунки бусиз ҳеч қачон кироатларни жамлаш мумкин эмас. Бунинг учун «Шотибия», «Тоййиба», «Ад-Дурра» каби мазкур қоидаларни жамлаган китобларни ёддан билиши лозим.
3. Тажвид қоидаларини назарий ва амалий суратда устозлардан ўрганиб, пухта ўзлаштирган бўлиши ва гўзал адо эта олиши.
4. Кироат қоидаларини устоздан ўрганишда ўта хушёрлик билан пухта ўзлаштириб, мустақкам эгаллаган бўлиши.
5. Усмон мусхафи расмидаги асос қоидаларни ўзлаштирган бўлиши.
6. Араб тили қоидаларини, асосларини яхши билиши. Бу илмда оксоқлик кироатларни

жамлашда маънога халал етказадиган хатоларга олиб боради.

7. Вакф ва ибтидо коидаларини чукур билиши.

8. Вожиб хилоф ва жоиз хилофларни ўзлаштириб, уларнинг фаркини ажрата олиши.

9. Кироатларни алохида суратда, якка холида ҳам ўқий олиши. Бу асосий шартлардан биридир. Чунки кироат ва ривоятларни алохида ўқий олмаган киши кандай килиб уларни тўғри жамлай олиши мумкин?

10. Кироатларни келтиришда уларни ўрганишда ўзи асос килиб олган китобдаги тартибга амал килиш мустахаб хисобланади.

Юкорида айтиб ўтганимиздек, кироатларин жамлашнинг конун–коидалари, одоблари хакида алохида рисоалар, китоблар ҳам бор. Биз бу ерда намуна сифатида асосий шартларни келтириб ўтдик, холос.

Кироатлар хилма хиллигининг хикматлари

Аллох таоло Ўзининг сўнги китобини араб тилида нозил килар экан, унинг барча жихатдан ўзига хос ва мўъжизакор – ожиз колдирувчи бўлишини ирода килди.

Жумладан, унинг ўқилиши – кироатида ҳам ушбу холат акс этиши айни хикмат эди. Шу боис, У Зот Куръони Каримни аввалига бир харфда нозил килиб, кишиларни Куръонга боғлаб, ўргатиб, керакли вазият хозир бўлгач, уни етти харфда ўқишни жорий килди ва бунинг учун керакли сабабларни ҳам тайёрлади. Ушбу етти харфнинг барчаси фасохатли араб тилида мавжуд бўлиб, турли лахжаларда акс этган эди. Соф араб тилида нозил бўлган Куръони Каримнинг мазкур суратларни ҳам ўзида акс эттириши, хакикатан ҳам алохида бир мўъжиза бўлган эди.

Куръони Каримнинг бир неча харфда нозил бўлишида ва турлича кироат килинишида бир канча хикматлар бор, албатта. Жумладан:

1. Ислом умматига енгиллик, осонлик. Ислом барча хукмларда инсонларга енгилликни жорий килган. Турли лахжаларда тили котган кишиларга Куръонни етти харфда тушириб, хар ким ўзига осон бўлган харфда ўқишига изн берилиши албатта енгилликдир. Бу маънони таъкидловчи хадислар билан юкорида танишиб ўтдик.

2. Бир калимада бир неча маъноларни ифодалаш. Кироатларда айрим калималарнинг турлича ўқилиши унинг маъносини янада бойитади, бир сўз билан ифодаланган фикрни тўлиқроқ тушунтиришга ёрдам беради. Масалан, «Аъроф» сурасининг 57 оятида шундай мархамат килинади:

«У Ўз раҳматидан олдин шамолларни хушхабар килиб юборадиган Зотдир». Ушбу оятда «хушхабар» деб таржима килинган сўз «□□□□□□» («бушрон») калимасидир. Бу калиманинг яна уч хил суратдаги ўқилиши бор:

а) «□□□□□□□□» («нушрон») – (ёмгирни) таркатувчи.

б) «□□□□□□□□» («нашрон») – таркалувчи, ёйилган, тирилтирувчи.

в) «□□□□□□□□» («нушурон») – таркатилган, ёйиб юборилган.

Ушбу сўзларни «хушхабар» сўзининг ўрнига қўйиб ўқиб кўрилса, кироатлардаги турлилик канчалар бой мазмун касб этишини англаш мумкин.

3. Айрим калималарнинг турлича ўқилиши оятдан хукм олишда ҳам энг ишончли далил

бўлиб хизмат килади. Шунга кўра, айрим факихларнинг бахслари ҳам ўзгача маъно касб этади. Мисол учун, «□□□□» калимаси икки хил – «то» харфини шаддасиз ва шаддали килиб ўкилади. Шаддасиз ўкилганда хайздан пок бўлишни, шаддали килганда хайздан сўнг гусл килишни англатади. Шунга кўра факихлар ўз ижтиходларига оятнинг у ёки бу маъносидан фойдаланадилар. Яна бир мисол: тахорат фарзилиги хакидаги оятда ва фатхали харфини «лам» :хил икки калимаси («(га)оёкларингизни ва») «□□□□□□□□□□» касрала килиб ўкилади. Фатхали бўлганда, оёкларни ювишга, касрала бўлганда, оёкка масх тортишга далолат килади. Шунда, оятдан оёкни ювишга ҳам, унга масх тортишга ҳам далил олинади. Биринчиси оёк яланг бўлгандаги ҳолатга, иккинчиси оёкда махси ё унинг ўрнидаги нарса бўлган суратга тегишли бўлади. Бу ҳукм суннат асосида аниклаштирилади.

4. Куръони Каримнинг мўъжизлиги. Кироатлар ўртасида сон–саноксиз турлилик бўлишига карамай, бирор жойда уларнинг ўртасида маънода ўзаро зидлик, хилоф учрамайди, фақат бир–бирини тўлдириб, қувватлаб келади. Агар бунга бирорта инсон бурун сукканида иш бундай кечмаслиги аник эди. Бу ҳақда Куръони Каримнинг ўзида шундай оят келган: «Куръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганида, унда кўп ихтилофлар топар эдилар» («Нисо» сураси, 82-оят).

5. Аллоҳ таолонинг Куръони Каримни муҳофаза қилишда Ўзининг қудратини, мўъжизасини кўрсатиши. Мазкур ўн кироатдаги турлиликни ўргатишга бағишланган бир канча китоблар ёзилганидан ҳам уларнинг кўлами канчалар кенг эканини билиш мумкин. Аммо шунчалик турлилик бўлиши билан бирга, Куръони Каримнинг бирор калимаси ҳам ўзгармай, айнан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга вахий қилинган суратда сакланиб келиши Аллоҳнинг сирли қудрати белгиси, улкан мўъжизаси бўлмай нима бўлиши мумкин?!

6. Кироатлар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари бўлиб, у зотнинг шарафларига далолат қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу кироатларни ўрганиш кишидан катта вақт ва имконият талаб килади. Аммо Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уларнинг барчасини бир ўзлари юзлаб вазифаларни адо этиш каторида ўргатганлар. Бу, албатта, у зотнинг хақиқий пайгамбар эканликларига далолат килади.

7. Куръони Каримнинг фазли. Ҳеч бир самовий китобни турлича ўқишга изн берилмаган. Шунингдек, ҳадисларда ҳам бу имтиёз йўқ. Дунёда фақат Куръонгина бир тилнинг турли суратларида ўкилади.

8. Кироатлар Ислom умматининг фазли, хусусиятидир. Аллоҳ таоло ушбу умматни Ўзининг каломини турли суратда ўқиш шарафига муваффақ этиш билан икром этди, бошқалардан устун қилди. Ҳеч бир умматга уларга нозил қилинган китобни турлича ўқиш жорий қилинмаган. Шу билан бирга, ҳеч бир уммат ўзининг муқаддас китобига мусулмонларчалик эътибор бермаган. Мусулмонлар унинг ҳар бир калимасининг қандай ўқилишини, ҳатто айрим калималарининг неча хил ўқилишини ҳам бутун вужудлари билан ўрганиб, ўзлаштириб, авлоддан авлодга ўзгаришсиз етказиб келмоқдалар. Киротлар хақидаги илк ёзилган асарлар билан бугунги китобларни солиштирилганда уларнинг орасида бирорта зиддият чиқмаслиги ҳам фикримизнинг далилидир. Бошқа умматларнинг самовий китобларининг холи ҳаммага маълум, ҳатто уларнинг бирорта ҳам асл тилдаги нусхаси топилмайди.

9. Куръон кироатлари Ислom умматига кўпроқ ажру савоб касб этиш имкониятидир.

Имом Жазарий айтади: «Шак–шубха йўкки, Ислом уммати Куръоннинг маъноларини тушуниш, чегараларига риоя қилиш билан ибодат қилгани каби унинг сўзларини тўғри талаффуз этиш ва харфларини кироат имомларидан ўрганилган, фасих араб тилида сўзловчи жаноб Пайгамбар алайхиссаломга етиб борадиган, муҳолафат қилиш мумкин бўлмаган ва ундан бошқа томонга буриш жоиз бўлмаган сифатда адо этиш билан ҳам ибодат этади».

10. Кироатлар Ислом умматининг бирлигини сақлашга ҳам хизмат қилган. Агар Куръони Карим бир харфда нозил қилинганда ўша харфга мос лаҳжада сўзловчи араблар учун бу иш шараф бўлса–да, бошқалар учун армон бўлар эди. Бу нарса уларнинг ўрталарида зиддиятлар келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин эди. Хулоса қилиб айтганда, Куръони Каримнинг турли кироатларда ўқилишида битмас–гтуганмас фойдалар, хикматлар бор. Бу ерда биз ўзимиз билганимизча, идрокимиз етганича сўз юритиб ўтдик, холос.

Хотима ўрнида

Аллох субханаху ва таоло Ўз каломи Куръони Каримнинг муҳофазаси учун барча замонларда мусулмонлар ичидан Ўзи ихтиёр қилган бандаларини танлаб, уларни ушбу вазифага қоим қилди. Ул муборак зотлар бутун умрларини ушбу Раббоний Каломни сақлашга, унга хизмат қилишга бағишладилар. Улар умрларининг аввалги қисмини Куръонни ўрганишга, уни ўрнига қўйиб тиловат қилишни ўзлаштиришга бағишладилар, иккинчи қисмини эса, ўзлари олган илмни бошқаларга таълим беришга бахш этдилар. Бу қилсила узулуксиз равишда, йилдан йилга кенгайиб давом этиб келмоқда.

Агар тарихга назар ташласак, Аллох таоло Ўзининг сўнги дини Исломнинг шаръий ахкомларини сақлаш учун ўз вақтида имом Абу Ханифа, имом Шофеъий, имом Молик, имом Ахмад, имом Авзаъий каби ақлу заковатли мужтахидларни, хадисларнинг соф ҳолда инсониятга етказиш ва муҳофаза қилиш учун Исхок ибн Роҳвай, Бухорий, Муслим, Термизийдек нодир қобилиятли хофизларни етиштирган. Худди шунингдек, У Зот Ўз каломи Куръони Каримнинг муҳофазаси учун ўз вақтида кироат имомларини ҳам етказиб берди. Улар Куръоннинг ўқилиш қайфиятини бекаму–кўст сақлаб келдилар. Уларнинг мусоффо қалблари ушбу илохий нурни сақловчи энг ишончли қутилар бўлди, тиллари уни асрлар оша авлоддан–авлодга етказиб берувчи мутаҳкам тасма бўлди. Бу хусусият Ислом умматининг ўзига хос фазилатларидан бири эди. Байхакий ва Табароний Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилишича, Аллох таоло Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга: «Сенинг умматингдан шундай бир қавмни пайдо қилманки, уларнинг қалблари □ китобларидир», деган экан.

Имом Муслим Иёз ибн Химордан ривоят қилган узун хадисда Набий соллаллоху алайхи васаллам жумладан шундай деганлар: «Аллох таоло: «Мен сени факатгина синаш учун ва сен билан бошқаларни синаш учун юбордим. Сенга шундай китоб нозил қилдимки, уни сув юва олмас, сен уни ухлаган холингда ҳам, уйгок холингда ҳам ўқийверасан», деди». Куръонни «сув юва олмас» лиги унинг муҳофазасида ёзувга эмас, ёд олишга суянилишига ишорадир. Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг уни «ухган холда

хам, уйгок холда ҳам ўқишлари» эса, у зотнинг калбларида Куръон хар кандай холатда ўқий оладиган даражада ёд туришига, Куръонни ёдлаш, ўқиш осон килиб кўйилганига далолат килади.

Имом Жазарий айтади: «Куръонни накл килишда калбларда, кўксларда саклашга суянилади, мусхаф хатига, ёзувга эмас. Бу ҳам бўлса, Аллох таоло томонидан ушбу умматга берилган хусусиятларнинг энг шарафлиси, улугидир».

Куъоннинг бу хусусиятини нафакат мусулмон олимлар, балки бошқалар ҳам эътироф этганлар. Жеймос Манчес айтади: «Куръон дунёда энг кўп ўқиладиган китобдир ва аниқки у китобларнинг ичида ёдлашга энг осонидир».

Аллох таоло Куръонни ўзида саклаган калб эгаларини «илм берилганлар» деб номлаб, «Анкабут» сурасида шундай марҳамат этади:

«Йўк! У(Куръон) илм берилганларнинг кўксидаги очик-ойдин оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор килур» (49).

Бугунги кунда дунёда кироат илмини, унинг татбикини харфма–харф саклаб келаётган минглаб корилар мавжуд ва хар куни яна ўнлаб, юзлаб корилар етишиб чикмоқда. Бунга кўшимча сифатда, Куръонни, унинг ўқилишини сакловчи турли воситалар: видео ва аудио тасмалар, рақамли мосламалар ҳам вужудга келди. Улар бугун Аллохнинг Каломини саклашга, уни етказишга катта хизмат килмоқда.

Хар бир мусулмон ушбу муборак халкага дахлдор бўлишга харакат килиши лозим. Имкони бўлса, ўзи, бўлмаса, фарзанд–набираларидан бирортасининг Куръон хофизларидан бўлиб, ушбу кутлуг силсила аъзоси бўлиши учун интилиши керак. Зеро, имом Байхакий Алий розияллоху анхудан ривоят килган хадисда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Ким Куръонни ёд олса, халолани халол билса, харомини харом билса, Аллох уни жаннатга киргизади ва ўз ахли байтидан ўн кишини шафоат килишга изн беради», деганлар.

Аллох таолодан барчаларимизни Куръон хидоятига бошлашини, унга чин мухаббатли килишини, унинг ахлларида этишини ва дунёу охиратда у билан азиз килишини сўраймиз.

Хасанхон Яхё Абдулмажид